

O'ZBEKISTON

OYOZI

IJTIMOY-
SIYOSIY
GAZETA

■ 2004-YIL ■ 24-APREL ■ SHANBA ■ 50 (27.225) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони
А.С.СОЛИХБОВНИ ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASINING
ПОКИСТОН ИСЛОМ RESPUBLIKASIDAГИ ФАВҚУЛОДДА
ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА
Анвар Саидович Солихбоев Ўзбекистон Республикасининг Покистон Ислам Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинлансин.
Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 апрель

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) хузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссиянинг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), мазкур комиссия раиси С.Рашидова бошқарди.

Йиғилишда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг 2003 йилги фаолияти ҳақидаги масала муҳокама қилинди. Омбудсманнинг ўтган йилги фаолияти ҳоқимият миллий қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, демократик институтларни янада ривожлантириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш жараёнига кенг жамоатчилик ва оммавий ахборот воситаларини жалб қилишга қаратилгани таъкидланди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга йўналтирилган тақлифлар тайёрлаш мақсадида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари таъминлаши соҳасидаги вазият юзасидан мунтазам мониторинг ўтказиб келмоқда. Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури муваффақиятли амалга оширилмоқда. «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги қонуннинг беморлар ҳуқуқларининг таъминлашига доир қисми, ижро этилиши юзасидан Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган

вилоятларида мониторинг ўтказилди. Йиғилишда таъкидланганидек, ўтган йили парламент вакилига (Омбудсманга) фуқаролардан 5807 муурожаат тушган, 1345 муурожаат бўйича тушунтириш ва маслаҳатлар берилган. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига доир бир минг тўрт юзтага яқин муурожаат назоратга олинди, шундан 320 таси ижобий ҳал этилган. Ҳисобот даврида Омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан саккиз юзтадан зиёд муурожаат кўриб чиқилган. Омбудсман қирқдан ортиқ давлатдаги омбудсманлар билан амалий алоқалар ўрнатган. (ЎЗА)

ХДП хабарлари

ҲАРБИЙЛАР ҲУЗУРИДА

Кеча Ўзбекистон ХДПнинг бир гуруҳ фаоллари Тошкент шаҳар Миробод туманида жойлашган алоқачилар ҳарбий қисми (командири подполковник М. Юнусов)да бўлиб, аскарлар ва офицерлар билан учрашдилар.

Партия Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамо, Олий Мажлис депутати Бўристон Шодиева, ХДП МК Экспертлар гуруҳи аъзоси, иқтисод фанлари доктори, профессор Руфат Раззоқов ва бошқалар мамлакатимиз парламентида кечаётган ислохотлар, жумладан, икки палатали парла-

ментнинг хусусияти тўғрисида тўхталдилар. Шунингдек, 29 апрель куни ўз ишени бошлайдиган Олий Мажлис сессияси муҳокамасига кириштирилиши мўлжалланган қонунлар лойиҳалари ва бошқа масалаларнинг ижтимоий ҳаётимиз, халқимиз манфаатлари учун нақадар зарурлигини таҳлил этиб беришди. Жо-

рий йилда ўтказиладиган ялпи сайловлар, уларда ишторк этиш учун Ўзбекистон ХДПда олиб борилаётган қатор амалий ишлар, терроризм ва экстремизм ҳужжатларига қарши курашининг аҳамияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталди. Аскар ва офицерлар ўзларини қизиқтирган кўпгина саволларга жавоб олдилар. Тадбир сўнгида ҳарбий қисм кутубхонасига бадиий китоблар топширилди.

ИСТИҚБОЛЛИ ДАСТУРЛАР

ЎзХДП Марказий Кенгаши қошидаги ёшлар гуруҳи аъзоларининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда иқтидорли ёшларни кўллаб-қувватлаш, ёшларда сиёсий маданиятни шакллантириш, парламент сессиялари муҳокамасига қўйилган масалалар юзасидан йигит-қизлар-

нинг фикрларини ўрганиш каби мақсадларга йўналтирилган дастурлар лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларни амалга оширишнинг дастлабки режалари белгилаб олинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

МАҚСАД АНИҚ, ВАЗИФАЛАР КЎП!

ПАРТИЯ ТУМАН КЕНГАШЛАРИДА ЎЗХДП МК VII ПЛЕНУМИ ҚАРОР ВА ҲУҲЖАТЛАРИ ИШЧАНЛИК, МАНФААТДОРЛИК РЎҲИДА ЎРГАНИЛМОҚДА

ЎзХДП Миробод туман кенгашининг кеча бўлиб ўтган пленумида бир қанча масалалар муҳокама этилди. Йиғилиш олдатидаги вазим, қатъий партиявий интизом асосида бошланган бўлса-да, кун тартибидagi «2004 йилда бўлиб ўтадиган сайловлар муносабати билан Ўзбекистон ХДП ташкилотлари фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала хусусида сўз юритилганда, бутунлай бошқа ўзгаришлар тушди. Нотиклар, залда ўтирган ҳар бир иштирокчи ушбу масалага бевосита дахлдор эканлигини, манфаатдорлигини намойиш этди. Илгариги гапбозлик, маъмул фикрлар ўрнида аниқ-тинч тақлифлар, адресли танқидлар айтилди.

— Биз бўлажак сайловларда мактаблар учун қўйиладиган, билимдон, фидойи кишилар номзодига овоз беришимиз, сайловчиларимизни ҳозирдаёқ шунга тайёрлаб беришимиз лозим, — деди 60-мактаб ўқув бўлими мудири Наталья Осадчиқ. — Чунки, мактаб бу — келажак дегани. Бинобарин, ҳар бир инсон келажакки порлоқ бўлишини истайдими...

тавининг (янги таҳрири) лойиҳаси қўзғин баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди. — Партия Устави қисқа ва лўнда, ортиқча тафсилотлардан холи, ҳамма тушунадиган бўлиши керак, — деди Касаба уюшмалари Федерацияси аппарати партия ташкилоти котиби Махмуд Исаев, — Ҳозирги лойиҳада бир қанча жиддий камчиликлар борга ўхшайди. Энг аввало, Низомда партиянинг мақсади ва мўҳияти аниқ-ойдин бўлиши, Халқ демократик партиясининг бошқардан қандай сифатлар билан ажралиб туриши баён этилиши керак.



Шунингдек, нотиклар Уставнинг янги таҳрир лойиҳасидаги айрим бандларни, хусусан партияга қабул, аъзолик бадал тўғрисидаги қоидалар ҳозирги шартларга тўғри келмаслиги, уни такомилга етказиш зарурлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини, тақлифларини билдирдилар. Бу тақлифлар тўғрисида, тегишли тартибда партия оқори органи етказишга келиши лозим.

Партия Устави ўзига хос, замонга мос бўлиши керак. — Биз ҳозир қандай Устав қабул қилсак, шундай сиёсий партия бўлиб қоламиз, — деди мунозара якунида ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби Латиф Фуломов. — Шунинг учун уни партиянинг барча кўйи бўйинларида атрофлича муҳокама этилишини таъминлашимиз лозим. Ана шунда у янада такомиллашди, қиёмга етади.

Пленумда айни пайтда муҳокамага қўйилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ус-

тўловлари ҳам бир кишига ўртади. Ахир янги тузилган гуҳда билан катта одам ўртасида фарқ борку? Нега энди уларга бир хилда коммунал тўловлар жорий этилган? Бу масалани партияимиздан сайланган депутатларимиз эътиборига бир неча бор етказганимиз. Лекин улар коммунал тўловлар соҳасидаги бошбошдоқликка, нархлар пойгасига таъсир кўрсатишга оҳижлик қилишяпти. Шундай экан, бундан тегишли ҳуосалар чиқаришимиз, 2004 йилги сайловларда унга амал қилишимиз фойдадан холи эмас. Депутатликка сайловлар иродасини ифодалайдиган, кези келганда ҳатто ҳуқуқматни ҳам танқид қила оладиган жасур кишиларни сайлашимиз керак.

Пленумда айни пайтда муҳокамага қўйилган Ўзбекистон Халқ демократик партияси Ус-

тўловлари ҳам бир кишига ўртади. Ахир янги тузилган гуҳда билан катта одам ўртасида фарқ борку? Нега энди уларга бир хилда коммунал тўловлар жорий этилган? Бу масалани партияимиздан сайланган депутатларимиз эътиборига бир неча бор етказганимиз. Лекин улар коммунал тўловлар соҳасидаги бошбошдоқликка, нархлар пойгасига таъсир кўрсатишга оҳижлик қилишяпти. Шундай экан, бундан тегишли ҳуосалар чиқаришимиз, 2004 йилги сайловларда унга амал қилишимиз фойдадан холи эмас. Депутатликка сайловлар иродасини ифодалайдиган, кези келганда ҳатто ҳуқуқматни ҳам танқид қила оладиган жасур кишиларни сайлашимиз керак.

— Оилада фарзанд туғилса, ўша кунёёқ коммунал хизмат

тўловлари ҳам бир кишига ўртади. Ахир янги тузилган гуҳда билан катта одам ўртасида фарқ борку? Нега энди уларга бир хилда коммунал тўловлар жорий этилган? Бу масалани партияимиздан сайланган депутатларимиз эътиборига бир неча бор етказганимиз. Лекин улар коммунал тўловлар соҳасидаги бошбошдоқликка, нархлар пойгасига таъсир кўрсатишга оҳижлик қилишяпти. Шундай экан, бундан тегишли ҳуосалар чиқаришимиз, 2004 йилги сайловларда унга амал қилишимиз фойдадан холи эмас. Депутатликка сайловлар иродасини ифодалайдиган, кези келганда ҳатто ҳуқуқматни ҳам танқид қила оладиган жасур кишиларни сайлашимиз керак.

— Оилада фарзанд туғилса, ўша кунёёқ коммунал хизмат

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!



«СИНО» ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚМОҚЧИ

Самарқанддаги «Сино» очик ҳиссадорлик жамиятида совутиш ва музлатиш ускуналари ишлаб чиқаришда янги услуб йўлга қўйилди. Ҳозир корхонада 100 киши ишлаяпти. Ўтган 2003 йилда 564162,7 минг сўмлик 2107 та маҳсулот ишлаб чиқарилди. Маҳсулотлар замонавийлиги, арзонлиги ва электр энергиясини кўплаб тежаб қолиши билан харидор-гир бўлмоқда.

Корхона экологик тоза маҳсулотлар мукамаллигини таъминлашда Италиянинг «Саппол», Хитойнинг «Xinfi» корхоналари билан ҳамкорлик қилаяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ 15

турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятига эга жамиятда замонавий кир ювиш машиналари тайёрлаш ҳам йўлга қўйилди. 2004 йилда 50 минг дон шундай тур маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган жамоа тез кунларда ўз маҳсулотларини жаҳон бўйлаб сотувга қўймоқчи.

Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Сўзларда: «Сино» кондиционери; корхонанинг йиғув цехи усталари — Илёс Жумаев, Фаррух Ашуров; уста Азим Худойкулов иш жараёнида.

Табиий орам

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ДЕҲҚОНЛАРИ САФАРБАРЛИГИ

Қорақалпоғистон Республикасига баҳор бу йил ўтган йиллардагидан 12-15 кун эрта келди. Кунлар исиб, деҳқончилик ишлари барвақт бошланди. Деҳқонлар ўз имкониятларини ишга солиб, ер ҳайдаш, текислаш, чигит экиш каби юмушларни уч менада ташкил этишди. Кўпчилик фермер хўжалиқлари чигит қадашни ўн кунда тугаллаб, дастлабки униб чиққан ниҳолларга ишлов бериш жараёниларини бошлаб ҳам юборишди...

Бироқ, «ғўза қатор оралари» га энди ишлов беришни бошлаймиз» деб таратилганда тушлар вафот этган. Шуларни инобатга олиб, вилоят раҳбарлари га уй-жой учун ер беришларини сўраб муурожаат қилганман. Лекин... Ахир «Меҳр ва муруват йили» бўлса...

Дилфуза Мусаеванинг шу мазмунда ёзган шикоят хати текшириш учун юборилган эди. Яқинда Термиз шаҳар ҳокимлигидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади: «Термиз шаҳар, Зағотзерно кўчаси, 18-ўйда истиқомат қилувчи фуқаро Д.Мусаеванинг «Ўзбекистон овози» таҳририятига йўнлаган аризаси шаҳар ҳокимлиги мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Ҳозирги кунда фуқаро Д.Мусаевага Термиз шаҳар, Ф.Гулом кўчаси ҳудудида ер фонди бўлганлиги туфайли яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун 600 м.кв. ер майдони ажратиб берилганлигини маълум қиламиз. Шаҳар ҳокими А.ЧОРИЕВ».

ниқли тадқиқотчи олимлар иштирок этмоқдалар. Мақсад — дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг интеграллашув жараёни доирасида ташки иқтисодий фаолият тизимини янада такомиллаштириш билан бирга рағбатлантиришнинг асосий йўналишларини ҳам белгилаб олиш ва ўзаро таъриба алмашиш. **Дилбар ЮСУПОВА**

ИСТИҚЛОЛ ВА МАЪНАВИЯТ

Кеча республика «Маънавият ва маърифат» марказида «Фуқаролик жамияти қуришининг маънавий-маърифий асослари» мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди. Тадбир ушбу марказ ташкил этилганлигининг ўн йиллигига бағишланди.

Анжумани марказ раҳбари Куддус Аъзамов олиб борди. Унда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, соҳа ходимлари, ёзувчи-шоирлар, ОАВ ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди. Йиғилишда Бош вазирнинг ўринбосари, Маънавият ва маърифат кенгаши раиси Алишер Азизхўжаев сўзга чиқди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Аҳмадjon Мелибоев, Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Қарамони Абдулла Ориповлар юртимизда фуқаролик жамияти қуришининг маънавий-маърифий асослари давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан белгилаб берилганини таъкидладилар.

Ушбу анжуманда «Маънавият ва маърифат» маркази амалга оширган ишларнинг салмоғи хусусида, миллий мустақиллик ва унинг бебаҳо ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий кадриятларини тарғиб этишдаги ўрни алоҳида таъкидланди.

Ялпи мажлистан сўнг, анжуман иши учта шўбага бўлиниб давом эттирилди. **Маъмуржон МАҲМУД**

СУҒУРТАНИНГ ЎРНИ

Ташки иқтисодий фаолиятни рағбатлантиришнинг ағона тизимини яратишда суғуртанинги ўрни мавзуси бўйича пойтахтимизнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компанияси ва Ташки иқтисодий алоқалар агентлиги ҳамкорлигида халқаро бизнес-форум иш бошлади.

Бу нуфузли анжуманда жаҳон ва Муствақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги обрўли суғурта компаниялари, Қирғизистон Молия вазирлиги, Франция, Туркия, Словакия, Россия, Қирғизистон давлатларининг Ўзбекистондаги элчихоналари вакиллари ҳамда та-

ОҒОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

Фарғона вилояти адлия бошқармаси ташаббуси билан Марғилон ва Фарғона шаҳарларида «Терроризмга қарши кураш — долзарб вазифа» мавзусида семинар ўтказилди. Семинарларда вилоятдаги масжидларнинг имомлари, мактаб директорлари, маҳаллалар раислари ва бошқа жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Ёшлар эстремистик кайфиятдаги оқимларга қўшилиб қолмасликлари учун

хушёр бўлиш зарурлиги уларга яна бир бор эслатиб ўтилди. Муслмончиликда одам ўлдириш у ёқда турсин ҳатто жониворларнинг жонига қасд қилиш оғир гуноҳ эканлиги айтилиб, ёшларнинг онлиги ва ғояларни сингдириш ҳақида гап борди. Уйимиздаги хотиржамлик ва тинчлик, аввало, ўзимизга — хушёр ва оғоҳлигимизга боғлиқ. **Маъмуржон ҚИЁМОВ**

Газетада босилмади, аммо...

УЙ-ЖОЙ ҚУРАДИГАН БЎЛДИ

«Тўрт нафар фарзандим бор. Болаларнинг дадаси ўн йил илгари кўча ҳалокатида ноубуд бўлган. Шундан бери кайнонаманиқда яшардим. Бу ерда ҳам беш ўғил воёга етди. Ховли торлик қилди. Мен онамникига кетишга мажбур бўлдим. Аммо у ерда ҳам оилавий шароит оғир. Отам вафот этган. Шуларни инобатга олиб, вилоят раҳбарларига уй-жой учун ер беришларини сўраб муурожаат қилганман. Лекин... Ахир «Меҳр ва муруват йили» бўлса...

Дилфуза Мусаеванинг шу мазмунда ёзган шикоят хати текшириш учун юборилган эди. Яқинда Термиз шаҳар ҳокимлигидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан шундай дейилади: «Термиз шаҳар, Зағотзерно кўчаси, 18-ўйда истиқомат қилувчи фуқаро Д.Мусаеванинг «Ўзбекистон овози» таҳририятига йўнлаган аризаси шаҳар ҳокимлиги мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Ҳозирги кунда фуқаро Д.Мусаевага Термиз шаҳар, Ф.Гулом кўчаси ҳудудида ер фонди бўлганлиги туфайли яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун 600 м.кв. ер майдони ажратиб берилганлигини маълум қиламиз. Шаҳар ҳокими А.ЧОРИЕВ».

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL» XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI MULKDORGA HAMKOR!

Мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ юртимизда маънавий-руҳий муҳитни юксалтиришга алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Бундан роппа-ропа 10 йил муқаддам — 1994 йил 23 апрелда Ўзбекистон Президенти Ислоом Каримов Фармонига биноан республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилган. Ушбу муҳим ҳужжат миллилатнинг эртанги саодати йўлида ташланган дадил қадам эди. Мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, буюк давлат барпо этиш, умуминсоний ва миллий қадриятлар уйғунлигига асосланган фуқаролик жамияти қуриш борасидаги изланиш ва ҳаракатларни ҳалқимиз онига сингдириш, миллий тафаккурни ривожлантириш, маънавият ва маърифатни янада камол топтириш марказининг асосий вазифалари сифатида белгиланган. Утган давр мобайнида нималарга эришилди, нималарга улгурилди? Бугуннинг энг муҳим вазифалари нималардан иборат?

Яқинда «Маънавият — миллат қиёфаси» мавзусида ўтказилган давра суҳбатида шу каби масалалар хусусида фикр юритилди.

Куддус АБЗАМОВ, республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари:

— Мустақилликнинг илк кунлариданоқ юртимизда маънавият ва маърифатга алоҳида эътибор қаратилганидан кўзланган мақсад — ўзликни англаш, тарихий хотира ёрдамида келажаkning нурафшон йўлларида чиқи олиш, одамлар қалбига Ватан, Миллат, Мустақиллик тамойилларини чуқур қарор топтириш, мустаҳкамлаш эди.

Маънавият ва маърифатни юксалтириш, аҳолининг барча қатламларини, айниқса, ёшларни миллий истиқлол гоёси асосида тарбиялаш, улар қалбига Ватанга, асрлар давомида шаклланган қадриятларимизга садоқат тушунарлини уйғотиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. 1994 йилда республика «Маънавият ва маърифат» марказининг ташкил этилиши, 1999 йилда барча давлат ва нодавлат ташкилотларида, ўқув муассасаларида, маҳаллаларда — жамиятнинг барча бўғинларида маънавий-маърифий ишларни мувофиқлаштириб турадиган республика Маънавият ва маърифат Кенгашининг тузилиши, Президентимизнинг маъруза соҳага дахлдор қатор Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ҳам фикримизни тасдиқлаб турибди.

Аммо, тан олиб айтишимиз керак — собиқ тоталитар тузумнинг одамларимиз тафаккурида қолдирган асоратларини бартараф этиш осон келмаяпти. Тўғриси айтганда, зимманига юклатилган вазифанинг залворини ҳис этиб туришимиз. Бу вазифа бир фақат марказнинг ёки мутаасаддиларнинг иши бўлиб қолмасдан барча зиёлиларимизнинг виждоний бурчи бўлиши керак деб ўйлабман.

Фидойилик бизга қадим боболардан мерос. Улар ўзини халқ ишига бахшида этишни шараф деб билганлар. Шунинг учун ҳам илм-маърифат биздагидек бошқа ҳеч жойда бу қадар қадрланмаган. Минг йиллар давомида фаннинг юзлаб соҳаларига асос солган боболарнинг қони бугун барчамизнинг томиларимизда оқмоқда.

Марказ фаолиятга баҳо берганимизда, қилаётган ишларимиздан қониқиб ҳосил қилолмайди, албатта. Олдинда эса биргаликда ҳал этишимиз керак бўлган ишлар бизни қутиб турибди. Энг асосийси биз маънавиятни бутун миллат биргаликда яратганини, унда умуминсоният учун муҳим бўлган тамойиллар мужассамлашганини ўзимиз англаб етишимиз зарур.

Абдуқаҳор ИБРОҲИМОВ, Ўзбекистон санъат арбоби, ёзувчи:

— Умр мазмунини яшалган йиллар сони билангина ўлчанмайди, балки эсда қолган кунлар ила белгиланади. Чунки ўша лаҳзаларда ҳаёт мазмунини ҳамда ашаддан қутилган ва орзу қилинган мақсад ўз ифодасини топади. Утган ўн йил давомида маънавият ва маърифат соҳаларида анча ишлар амалга оширилди. Айтиш мумкинки, маънавият ва маърифат уммонига шўнғиб кетдик, топганларимизни рисола ва китоблар тарзида халқимизга тақдим этдик. Матбуотимиз саҳифалари шўхидики, бу йилларда юзлаб катта-кичик мақолаларимиз чоп этилди, булар ичида (мисол тариқасида) «Тафаккур» журнальда ёритилган оила, никоҳ ва маънавиятга доир мулоҳазалардан иборат «Поклик — миллий тиклиниш куртаги» мақоласини, «Жаҳон адабиёти» журнальда чоп этилган «Ёзувчи хусусий ҳодиса эмас» мақоласини эслаб ўтамиз.

Кейинги йилларда бешта китобимиз нашр қилинган бўлса, «Уйку келмас кечалар» романидан ташқари тўрттаси маънавиятга тегишлидир. 1996 йил ҳамкорликда ёзилган «Ватан туйғуси» китобидан эътибор бу мавзунини давом эттириб, «Биз ким, ўзбеклар!» ёзилди, бу асар икки марта нашр этилди. Кейин шу мавзуда «Миллат овози» номли янги китобимиз дунё юзини кўрди. Хали кўп ишлашимиз керак. Худо хоҳласа, бу боррадаги изланишларимиз давом этади.

Турсуной СОДИКОВА, «Маърифат-парвар аёллар» уюшмаси раиси, Республикада хизмат кўрсатган маданият ходими:

— Инсон юрагини поклаш ва яхшилик рағбатлантиришдай машаққатли меҳнат маънавий тарбия дейилади ва у илмларнинг онасидир. У дунёю бу дунёнинг обод ёки барбод бўлиши маънавий қунинга қувлик. Киши шахсига баҳо унинг шу боватига қараб берилади. Демак, маънавий илмнинг биринчи, истеъдоднинг, ихтироларнинг, мансабинг ва турфа саъй-ҳаракатларнинг кейинги ўринида туради.

Маънавият илми ўзининг-ю ўзгаларини, атрофиндаги жонли-ю жонсиз нарсаларни қадрлаш ва асраш, ўзининг-ю ўзгаларни имконнинг қадар алоқлантириб, ундириб-ўстириб бориш илмидир! Инсоннинг дунёга келган заҳоти оқ ювиб, оқ тараб, оқ йўрқалар билан қутиб олиниши ва охириги йўлга ҳам ана шундай иззат-икром ила кузатилишининг ўзи ҳам ўша илмнинг бир кўриниши аслида. Мана шу икки эътибор инсон учун маънавий илм олиш йўлларидир. Бу олиш йўлида оила, мактаб, маҳалла, хизмат жойлари, адабиёт ва санъат, газета-журнал, айниқса, радио-телевидение асосий тарбиячи дур.

Санаб ўтганимиздай, маънавий тарбия билан шуғулланадиган қатор масканлар бор. Аммо дунёқараши шакллантиришда, зарурларнинг зарури бўлган бу соҳанинг тажрибаларини бириктиришчи ўз устахонаси, мутаасаддилари ва ўз мактаби, албатта, бўлиши шарт. Шу ниятда республика «Маънавият ва маърифат» маркази ташкил этилган эди. Бу воқеага ҳам 10 йил тўлибди. Халқнинг ҳамма қатламларида маънавият ишларини ташкил этиш марказининг асосий вазифаси қилиб белгиланганда ва марказ эътибори шу йўлда ўз имкони даражасида меҳнат қилиб келмоқда. Бу даргоҳнинг энг аҳамиятли ишларидан бири Қадрлар тайёрлаш миллий дастурига маънавиятни фан сифатида ўқитишни киритиш тақдирини билан чиққани ва унинг амалга ошириш бўлиди. Бу ўқув юртурларида маънавий тарбия муқимлаштириш деган гап. Бугунги кунда мазкур дарсларнинг сифат даражаси ҳамма жойда ҳам, балки бирдай яхши эмасдир. Аммо кун келиб, албатта, бу фаннинг ўз мактаби ва мухир усталари етишажак.

Табии фақат беморлар билан, ўқитувчи фақат ўқув ёшдаги инсонлар билангина фаолият олиб боради, маънавиятчи эса қимирлаган жон борки барига етиб бориши керак, унинг аудиторияси бутун мамлакат. У доим халқ ичида бўлмоғи, унинг тинмай ўзгариб туривчи иқлимига мутаносиб тарзда иш юритмоғи шарт.

Ватанпарварлик, оила мустаҳкамлик, саломаатлик мавзусидаги турфа бунлетлар тайёрланиб, оммага пешмапеш тарқатилса, қандай яхши! Бундан ташқари республика «Маънавият ва маърифат» марказининг ўз ҳафталик газетаси, ўзининг кичик телеабораторияси бўлса ва маънавий-маърифий мавзуда мўъжаз ҳажмдаги кўрсатувлар тайёрланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Яна айрим муаммолар масалалар бор: маънавият фан сифатида ўқитилмоқда, аммо педагогик-психологик жиҳатдан пухта ишланган дарслик, қўлланмалар ҳали тартибга тушгани йўқ, бу соҳанинг ўз ўқитувчилари йўқ.

Эркин АБЗАМ, «Тафаккур» журнальнинг бош муҳаррири:

— «Тафаккур» журнальи республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан бир вақтда ташкил этилиб, иш бошлаган. Журнальнинг илк сони 1994 йил нашр қилиниб, истиқлолимизнинг уч йиллигига бағиш-



Куддус АБЗАМОВ



Турсуной СОДИКОВА



Эркин АБЗАМ

ланган эди. Шу ҳисобда «Тафаккур» ҳам бу йил ўн ёшга тўлади.

Утган йиллар мобайнида республика «Маънавият ва маърифат» маркази ҳам, унинг наشري ҳисобланмиш «Тафаккур» ҳам моҳиятан бир мақсад йўлида хизмат қилди: миллий истиқлол гоёсини замондошларимиз онига сингдириш, ёш авлодда янги тафаккурни шакллантириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар тарғиботи ва хоказо. Бу ишни марказ турли тадбирлар воситасида амалга оширган бўлса, журнал ана шу фаолиятни ўзига хос йўсинда умумлаштириб, назарий таҳлил йўли билан муштарийларга етказишга ҳаракат қилди.

Муболага эмас, мамлакатимизда матбуот нашрлари кўпайиб бормоқда. Уларнинг мақсад-муддаслари ҳам ҳар хил, албатта. Биринчиси ижтимоий-сиёсий муаммолардан баҳс этишни асосий мақсад деб билса, бошқаси энгил-ели, ҳавойи «хўрозқанд» билан муштарий кўнглини овламоқчи бўлади. Мамнуният билан қадрият этиш керакки, «Тафаккур» ана шу турфа матбуот уммонида фарқ бўлиб кетмади, аксинча, мамлакатимизнинг етакчи нашрлари қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Журнал саҳифаларидан ўрин олган бир талай материаллар илмий ва адабий ҳаётда унутилмас воқеа сифатида баҳоланганли маъналу. Уларни бирмабир санаб чиқиш имконсиз, албатта. Аммо журналимизнинг дунёга келиши-

Мен ўз тақдиримни маънавият соҳасисиз тасаввур этилмайман. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги муносабати билан Юртбошимиз Фармонига асосан кўпгина ҳамкасбларим қатори мен ҳам давлатимизнинг юксак муқофоти билан тақдирландим. Бу кучимга куч, ғайратимга ғайрат қўшди. Бу рағбатни энг аввало масъулият деб тушунаман. Аҳоли қалбига қадрият ва аъналарга хурмат ҳиссини, миллий ифтихор туйғусини шакллантириш, ёшларни ёт гоёлар таъсиридан ҳимоя қилиш — бизнинг виждоний бурчимиз. Базъан қум барханларининг чаңг-тўзонлари оралаб, базъан қишининг қора соғувида, ёзининг жазирасида узоқ аҳоли пунктларига боришга тўғри келади. Оғринмайман. Чунки, одамлар тафаккурини ўзгартирмасдан туриб, пировард натижаларга эришиб бўлмаслигини яхши англабман.

Ортиқ ВАФОВЕВ, марказнинг Бухоро вилоят бўлими раҳбари ўринбосари, «Дўстлик» ордени соҳибига:

— Дарҳақиқат, воизлар малакаси ишимизда кўп нарсани ҳал қилади. Бухорода ҳар ойнанинг биринчи жумаси вилоят миқёсида «Маънавият ва маърифат ўқув кўни» деб эълон қилинган. Шу кун олимлар, шоирлар, санъаткорлардан таркиб топган 500 кишилик воизлар гуруҳи вилоятнинг барча шаҳар-қишлоқларига аҳоли билан учрашувга чиқмади. Мулоқотлар мавзуси икки ҳафта олдин вилоят телевидениеси ва газеталарда эълон қилинади. Тарғиботнинг бундай янги шакли яхши самара бераётир. Учрашувларда одамларни ўйлантираётган муаммолар, соҳамизнинг ютуқ-камчилари янада ойдинлашиб, келгуси фаолиятимиз йўналишлари белгиланмоқда.

Яқинда вилоят аҳолисининг турли қатламлари орасида сўровнома ўтказдик. «Маънавият ва маърифат ўқувлари сизни қониқтирадими?» деган саволга иштирокчиларнинг 73 фоизи ижобий баҳо бериб, унинг ташкилий жиҳатларини янада ҳаётлилаштириш, эркин фикр алмаштириш, очик мулоқотлар шаклида ўтказиш тақдирини берди. Сўралганларнинг 20 фоиздан зиёди эса ўқувлар айрим ҳолларда пухта тайёрлаш кераклигини айтишди, кўпгина тарғиботчилар тайёр маъруза матнини ўқиб бериш билан чекланаётгани ва бу маънавий тарбия учун етарли эмаслигини рўй-рост айтдилар. Шундан келиб чиқиб вилоят ҳокимлиги мазкур ўқувлар самардорлигини ошириш тўғрисида қарор қабул қилди. Унга асосан ўқувларда Олий Мажлис, вилоят, шаҳар, туман кенгашлари депутатлари, сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлари, ёшлар ташкилотлари имкониятларида умумий фойдаланилмоқда. Вилоятда маънавият тарғиботчиларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курслари ташкил қилинди. Уни муваффақиятли тугатганларга тегишли ҳужжатлар беришмоқда. Шунингдек, иқтидорли ёшларнинг дебат клуби фаолият юритмоқда.

Соли БОЙМАТОВ, марказнинг Янгийўл шаҳар бўлими раҳбари, «Дўстлик» ордени соҳибига:

— Дунёда инсон тафаккурини ўзгартиришда машаққатли юмуш бўлмас керак. Бу борада озгина сусткашликка йўл қўйсанг, бас, одамлар онгини бошқа зарарли гоёлар, аллақандай миш-мишлар эгаллаб олади. Тарғибот-ташвиқ ишлари халққа тушунарли, содда усуллар ва илгор технология воситалар асосида ташкил этилмаса, яхши самара бермайди. Бугунги кун кишини сиёйсиз чиққан гаплар, академик маърузабозлик билан тарбиялаш қийин. Одамлар бутун қандай ўй-интилиш билан яшаётти? Уларни кўпроқ нима қизиқтиради? Биринчи галда шуни обдон ўрганиб, мафқуравий ишларни ана шу асосда ташкил қилишимиз даркор.

«Мафқуравий тақдир» деганда мен нимани назарда тутаяман? Кейинги пайтларда юртимизга «дин», «маданият» никоби остида ёт гоёлар, зарарли оқимларнинг кириб келиши кузатилади. Мухтарам Президентимиз Конституцияимиз қабул қилинганлигининг 11 йиллигига бағишланган маросимда ҳам шу масалага алоҳида эътибор қаратдилар. Дарҳақиқат, биз асрлар давомида яшаб келаётган қадриятларимизни, муқаддас динимизни эъзозлашимиз, фарзандларимизни ҳам уларга садоқат руҳида тарбиялашимиз зарур. Чунки, Улзийдан, ўз қадриятларидан узоқлашган халқ таназзулга маҳкум.

Шунингдек, давра суҳбатида айрим ёшларимиз хоризнинг «қулоқлартар» ўқушқлари, яримланган «мода»лари, жангари, фаҳшини тарғиб этувчи фильмлари, шафқатсизлигини ўргатувчи компьютер ўйинлари, энгил-ели ҳаёт таъсирига тушиб қолаётгани ва бу ноҳус ҳолатлар олдин ош бўйича қилинадиган ишлар ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шухрат ОРИФ ёзиб олди

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ХДП Ангрэн, Оҳангарон шаҳар, Бухоро, Вобкент, Бўстонлик, Оҳангарон, Ўрта-чирчик, Янгийўл, Чиноз, Пискент туман кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтди. Уларда партия МК VII пленуми қарорларини жойларда татбиқ этиш, муҳим сиёсий тадбирлар — ялпи сайловлар, бошланғич партия ташкилотлари ҳисобот-санолат йиғилишларини юксак савияда ўтказиш, «Меҳр ва мурувват йили» дастури ижросида фаол иштирок этиш масалалари юзасидан ХДП кенгашлари биринчи котиблари Б.Йўлдошев, А.Ақбаров, С.Жўраева, Т.Авезов, Р.Махаматов, Қ.Саидов, Ф.Абдуҷабборов, Н.Арипов, Т.Умаров, Д.Комилова маъруза қилдилар. Муҳокамада сўзга чиққанлар партия ташкилотлари эътиборини бугунги куннинг долзарб муаммоларига кўпроқ ҳал қилиш ҳақида тақлифлар киритдилар.

Ўртачирчиқда ўтган пленумда ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби С.Абзамов сўзга чиқди.



Ортиқ ВАФОВЕВ

Банк ислоҳоти

ХИЗМАТ ВА ТАЛАБ МУВОФИҚЛИГИ

Марказий банкнинг Сирдарё вилоят бош бошқармасида тижорат банкларининг мижозларга хизмат кўрсатиш, шу жумладан, кредитлар ажратиш билан боғлиқ фаолиятидаги долзарб масалаларга бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Маълумки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантириш кўп жиҳатдан банк тизими ва хўжалик субъектларининг ўзаро самарали ҳамкорлигига боғлиқ. Илчил иқтисодий ўсиш суръатлари банк-кредит муассасалари кўрсатаётган хизматлар қўлами ва турини ошириш, илгор технологияларни жорий этиш, хизмат кўрсатиш маданиятини оширишга рағбатлантиришмоқда.

Банкларнинг барқарор фаолият юритиши, уларнинг ресурслар базаси кенгайиши, банк фаолиятининг барча баҳаларида фаоллик кўрсатилиши натижасида халқ хўжалигининг барча тармоқларида ишчанлик кайфияти юзага келди. Хусусий тадбиркорлик, кичик биз-

неснинг ривожланиши, ташки савдо айланмалари ошиши, янги иш ўринлари очилиши аҳолининг реал даромадлари ўсишига олиб келди.

Банк амалиётида электрон тизимдан самарали фойдаланиш ҳисобида хизмат кўрсатиш қўлами кенгайиб борапти. Банклар ҳокимлари мижозларнинг молиявий-ишлаб қилиш фаолиятига тегишли барча жиҳатларда, жумладан, инвестиция-лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни охирига етказишда ёрдам кўрсатмоқда. Буларнинг ҳаммаси, бир томондан, иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари билан банк ўртасида ҳамкорлик алоқаларини кенгайтираётган бўлса, иккинчи томондан, мижозларнинг янги банк маҳсулотларига бўлган эътиборларини шакллантиришмоқда. Капитал қурилиш ва аграр соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш янги усуллари, ҳуқумат талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилмоқда.

Семинар давомида бир та-

ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА ХАЁТИЙ МАСАЛАЛАР

Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси хайъат йиғилишида 2004 йилнинг биринчи чорак яқунлари ва Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қўтарилган масалалардан келиб чиққан ҳолда олдинда турган вазифалар муҳокама этилди.

Хисобот даврида мониторинглар ўтказиш ва ҳуқуматнинг тегишли топшириқларини бажариш йўли билан товар бозорларини монополиядан чиқаришга, табиий монополиялар, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши устидан назорат амалга оширилди. Монополияга қарши давлат органи мутажассислари томонидан 35 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар буйича ҳулосалар тайёрланди. Коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг молиявий аҳоли ҳамда уй-жой-коммунал хизмат соҳасида рақобат муҳитининг аҳоли ўрганилиди. Монополияга қарши қонунчилик талаблари бўзилган ҳолатлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича ёзма кўрсатмалар берилди.

Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган тегишли қонунчилик қўрилган кўра, 12,9 млн. сўмлик зарар қолланди. Истеъмолчилардан тушган 191 та арива ва шикоят кўриб чиқилиб, улардан 137 таси истеъмолчиларнинг фойдасига ҳал қилинди. Бундан ташқари, ишонч телефони бўйича 172 та шикоят рўйхатга олинди, улардан 49 таси истеъмолчиларнинг фойдасига ҳал бўлди ва 123 таси бўйича тушунтириш ишлари ўтказилди.

Хайъат йиғилишида қўмита ва ҳудудий бошқармаларда амалга оширилган ишлар таҳлили бўйича тегишли ҳулосалар қилинди, янги вазифалар белгилаб олинди.

Ровшан ШОДИЕВ

ЯНА ИККИ ҚЎШМА КОРХОНА ҚАРШИ (Ўза муҳбири Фахриддин Бозоров).

Вилоятда «Cotton Road» Ўзбекистон — АҚШ — Туркия ва «Косон ёғ экстракция» Ўзбекистон — АҚШ қўшма корхоналари ташкил этилди.

«Cotton Road» қўшма корхонаси пахта қайта ишлаб, калава, мато ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Қўшма корхонага айлантирилган собиқ «Косон ёғ экстракция» акциядорлик жамиятида эса ёрни замонавий усулда тозалаш ва қадқоқлаш йўли қўйилди.

Ушбу тадбирда истеъодли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни рағбатлантириш мақсадида бир неча компания ўз стипендияларини жорий этди.

Юнус ДЮВОВ

мурувват йили» доирасида хайрли бир ишни амалга оширди. Партия ташкилотининг саъй-ҳаракати билан ҳамда пойтахтдаги «Трансавтотуризм» автокорхонаси ҳамкорлигида ХДП аъзоси бўлган 40 нафар нуруний онахонлар учун Занги ота мажмуига зиёрат ташкил қилинди.

Меҳр-мурувватнинг каттакичили бўлмади. **ХДП Хонқа туман кенгаши** томонидан ногирон Раҳмон бобога ёрдам кўрсатилди. У кишининг ногиронлик аравачаси таъмирлаб берилди ва партия кенгаши номидан кийим-кечак совға қилинди.

Партия Олтиариқ туман кенгаши бир гуруҳ фаоллар иштирокида қишлоқ ва маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда турли учрашувлар ўтказмоқда. Уларда «Меҳр ва мурувват йили» ҳамда икки палатали парламент тизимининг моҳияти, ёшларни Ватанга меҳр-мурувват руҳида тарбиялаш, уларда гиёҳвандлик ва экстремизмга қарши имунитет ҳосил қилиш масалаларига асосий эътибор қаратилмоқда.

Мазкур партия ташкилоти «Йил ўқувчиси — 2004» танловининг туман босқичи ўтказилишида фаол иштирок этиб, голибларга Фахрий ёллик ва эсдалик совғаларини тақдим этди.

ХДП Марҳамат туман кенгаши ташаббуси билан ўтказилган «Барҳаёт сиймо» номли адабий кеча шoirнинг ҳаёти ва ижодида бағишланди.

Ўзбекистон ХДП Юнусобод туман кенгаши «Меҳр ва

Қадрият — ўзликни англаш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиевнинг мамлакатимизга давлат ташрифи чоғида олтинчи йилдан буён буюк озарбайжон шоири номи билан юритиладиган, талабалар сонига кўра, мамлакатимиздаги энг йирик олий ўқув юрти — Тошкент давлат педагогика университети биноси олдидаги майдонда Низомий Ганжавийга ҳайкал ўрнатилди. Бу қондош-жондош халқ ҳаётида катта тарихий воқеа бўлди.

Улуғ озарбайжон шоири Низомий Ганжавий — шак-шубҳасиз, ўзбекининг ҳам севимли қалам сохибларидан бири. Адабиётимизнинг кўп асрлик тарихини бу шоир иходининг кучли таъсирисиз тасаввур қилиш асло мумкин эмас. Унинг асарлари юртимизда асрлар мобайнида аслиятда — форсийда мутолаа қилиб келинган. Бу бебахо иход намуналарининг кенг халқ оммасига етиб бориши учун уни туркийга, яъни ўзбекча таржима қилиш ҳам давом этаверган.

XIV асрдаёқ унинг «Хамса»сига кирган «Хусрав ва Ширин» дostonини туркий-чалаштирган Кутб Хоразмий:

Қазонтеқ қайнаб-уш савдо пишурдум, Низомий болидин халво пишурдум, — деб ёзади. Демак, Низомийнинг болиси Кўтбнинг халвоси пишмас эди. Бу таржима туркий дostonчиликдаги катта ҳодиса ҳисобланади. Чунки XI асрда Юсуф Хос Ҳожибнинг худди Фирдавсий «Шохнома»сига бир жавобдек битилган «Кутадгу билиг»идан бошланган туркий ёзма дostonчилик Навоий «Хамса»сигача бўлган тараққийёт йўлини босиб ўтди. Айтиш мумкинки, Низомий «Хамса»сиз ўзбек адабиёти учун Фирдавсий «Шохнома»сидан Навоий «Хамса»сигача бўлган савб-харакатлар даври учун ўзига хос бир кўприк вазифини ўтади.

XIV аср иккинчи ярми ва XV аср бошларида яшб, ижод этган яна бир ҳамюртимиз — Ҳайдар Хоразмий Низомий «Хамса»сидаги «Махзан ул-асрор»ни ўзбекча-лаштиришга бел болаб, қўлига қалам тутди ва у ҳам Кутб сингари Низомийдан масаллик олиб ош пиширганини айтади:

Менки, пишурдум бу лағиз ошини, Шайх Низомийдан олиб чошни. Шайх Низомий дамидин жон топиб, Маънисидан ёрлиғу бурҳон топиб.

Ўзбек халқининг улуғ шоири ва мутафаккири, туркий шеъриятининг буюк кўеши Алишер Навоий ҳазратлари ижодини Низомий Ганжавий меросининг улкан таъсирисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Бобокалонимиз ўзларини не-не буюк шоирлар ичра фақат Низомийгагина қиёс қилишни маъқул кўрадилар:

НИЗОМИЙ КИМ ЭДИ?

Фалак кўрмади мен киби нодире, Низомий киби назм аро қодире.

Чунки Навоийнинг қатъий фикрига кўра:

Эмас осон бу майдон ичра турмок, Низомий панжасига панжа урмок.

Навоий «Хамса»сининг сўнгига ўзини айнан устод Низомий тилидан таърифлагани ҳам бежиз эмас. Гуё буюк озарбайжон сўз санъаткори улуғ ўзбек шоирига:

Ки келди замонида сендек киши, Ки эрмас ишинг одамизод иши, — дейди.

XIX асрга келиб Мухаммад Ризо Огаҳий Низомийнинг «Хафт пайкар» асарини наср йўли билан ўзбекча-лаштирди.

Низомий ижодиётининг бизда бу қадар юксак кадр топишига яна бир сабаб бор. Шоир таржимаи холида унинг юртимизда бўлган-бўлмагани ҳақида маълумот йўқ. Лекин бу улуғ зот асарларида Озарбайжонни қандай меҳр билан тилга олган бўлса, Туркистон, Хоразм каби улка номларини, Самарқанд, Чоч (Тошкент),

Нахшаб (Қарши) каби шаҳарларимизни ҳам худди шундай ҳурмат-эҳтиром билан кўп-кўп қайд этади. Бу XIII асрда ҳам юртимиз билан Озарбайжон дўбири ўртасида тигиз маданий ҳамкорликлар бўлган, у ерда ҳам Ватанимиз, шаҳарларимизни яхши билишган.

Низомий «Хусрав ва Ширин»да Чоч (Тошкент) шаҳрини ҳам эсладики, бу пойтахтимизда унинг хайкали ўрнатилиши бежиз эмаслигидан далолат беради:

Ҳабашро зулф бар Тамғоч бандад, Тирози Шуштар дар Чоч бандад (38).

Мазмуни: Ҳабашнинг сочини Тамғочда ўриб, Шуштарнинг нақшини Чочда чизса...

Мана бу байтда эса бевосита Хоразм ва Самарқанд қайд этилган:

Шикористони ў Абхозу Дарбанд, Шабехунаш ба Хоразму Самарқанд (43).

Мазмуни: Бирдан Мўлиён аригининг ҳиди келди, Хоразм ва Самарқанд кечки юришига макон бўлди.

Муқанаа ҳақида гап кетганда, бевосита Нахшаб, яъни бугунги Қарши шаҳрини тилга олади:

Вале чун чоҳи Нахшаб об гирад, Жаҳон аз оҳане кай тоб гирад? (370).

Мазмуни: Лекин Нахшаб ҳандаги сувга тўлгани каби жаҳон темир билан қачон тоблинади?

Бухоройи шарифнинг устод Рудакий илҳомига илҳом кўшган, унинг:

Бўйи жўйи Мўлиён ояд хаме, Ёди ёри меҳрубон ояд хаме, —

Мазмуни: Бирдан Мўлиён аригининг ҳиди келди, У шу заҳоти меҳробин ёрни ёрга туширди, —

деб бошланадиган қасидаси орқали машҳур бўлиб кетган Мўлиён ариги ҳам Низомийнинг эсидан чиқмаган:

Дари Фархор бар Фағфур бастан, Ба жўи Мўлиён — бар пул шикастан.

Мазмуни: Фағфурга Фархорнинг эшигини ёлди, Мўлиён ариги устидаги кўприкни синдириди. Низомий қолдирган китоблар саҳифа-



Statue of Nizami Ganjavi in Tashkent.

ларини арақлар экансиз, улардан бугун учун керакли кўп-кўп дурдона фикрлар, ажойиб ҳикматларга дуч келаверасиз.

Шоир ўзликни англаш масаласини шунча асрлар илгари замонада туриб худди шу бугунги вазиятдан келиб чиққандай қилиб ўртага қўяди:

Бидон худро, ки аз роҳи маоний, Худро доний, ар худро бидоний (367).

Мазмуни: Ҳаёт ўзининг англа, чунки маъно излаш йўлида агар ўзининг англасанггина Худони ҳам англайсан.

Унинг ўзликни англаш ҳақидаги фикри қатъий, яъни жуда муайян мақсад ва мудоаога қаратилган:

Мабин дар худ, ки худбинро басар нест, Худобин шав, ки худдидан хунар нест.

Мазмуни: Фақат ўзининг кўрма, чунки худбинлик яхши эмас, ўзининг кўриш хунар ҳисобланмади, шунинг учун сен Худони, яъни ҳақиқатни кўришни бўл.

Низомий ҳақида шу пайтгача билганларимиз тўлиқ эмас. Алишер Навоий «Муқаммал асарлар тўплами» чоп этилганидан кейин Низомий хусусида ҳам

кўп маълумотларга эга бўлиш имкони вужудга келди. Навоий уни тасаввур вакиллари — шайхлар таркибига киритган ва «Насоим ул-муҳаббат...» тазкирасида бу зот ҳақида махсус мақола мавжуд.

Берилган қисқагина маълумотдан жуда муҳим бир неча масалани ойдинлаштириб оламиз.

Шайх Низомий дин илмини жуда пухта билгани ҳолда шу билимидан фойдаланиб тирикчилик қилиш ўрнига ҳаммасидан воз кечиб, тасаввув йўлига кирган. Умрини бошдан охири қаноату тақво ва узлат билан ўтказган.

Ҳозир Гиннеснинг рекордлар китобига кириб қолиш дунё бўйича авж олган. Лекин Навоийнинг далолат беришича, Низомий тасаввув йўлига кирганидан кейин ўтган умри давомида кам эмас-кўп эмас нақ қирқ марта чилла ўтирган! Бу 1600 кеча-кундуз дегани. Ҳар йилимиз 365 кундан бўлса, бу қариб тўрт ярим йил деган гап!

Тўрт ярим йил одамлардан, ҳамма нарсадан узилиб, узлатга кириб яшашнинг ўзи бўладими?!

Навоий Низомийга шундай буюк беш ганж, яъни «Хамса» ёзиш насиб этганини тасаввув йўлида чеккан ана шу «муфрит риёзатлар» ҳосиласи деб билади.

Бир байтида улуғ зот ҳукмдорларни, давлат раҳбарларини фақат ва фақат яхшилик қилишга ундайди, чунки, унинг қатъий ишончига кўра, шунда ер юзида гулгу гўёғ ўрнига дуру гавҳар униб чиқади:

Ният чун нек бошад подшоро, Гуҳар ҳезад ба жои гул гиёро (175).

Низомий «Искандарнома» асарининг сўнгига ўғлига насихат битиб, охирида унга:

Жаҳон бар вужуди ту фарҳунда бод! Вужуди Низомий ба ту зинда бод!

— деб дуо қилади. Айтмоқчи, эй ўғлим, жаҳон сенинг вужудингда эзгуликка айлансин, Низомийнинг вужуди сенда абад ул-абад тирик бўлсин!

Буни улуғ шоир худди бугун вужудида Низомий қони оқатган халқига қарата айтаётгандек...

Султонмурод ОЛИМ

Спорт

МАҲОРАТ ВА СИНОВ БАҲСИ



Сўнгги йилларда мамлакатимизда спортнинг пауэрлифтинг тури жадал ривожланмоқда. Республика ва халқаро миқёсдаги мусобақалар юксак савияда ўтказиб келинапти. Ҳабибулло Қодиров, Сардор Тўйчиев, Алан Жоиев, Мухтарам Алиева, Юлия Стевенко, Надежда Малюгина сингари спортчиларимиз Осиё, жаҳон чемпионатларида совриндорлар сафидан ўрин олишмоқда.

Санокли кунлардан сўнг, аниқроғи, 28 апрель — 2 май кунлари Зарафшон шаҳрида пауэрлифтинг бўйича навбатдаги кўта чемпионати уюштирилди. Унда Ватанимиз пауэрлифтингчиларидан ташқари, Япония, Жанубий Корея, Хиндистон, Индонезия, Эрон, Мўғулистон, Шри-Ланка каби йиғирмага яқин давлат вакиллари ҳам ғолиблик учун кураш олиб борадилар.

Едингида бўлса, айнан шу спорт тури бўйича 2000 йилги Осиё чемпионати ҳам Ўзбекистонда ўтказилиб, юртимиз спортчилари катта ютуқларни қўлга киритганди. Ишонимизки, вакилларимиз бу сафар ҳам муллисларни хурсанд қилишади.

Александр ТЕТЕРИН

Ҳикматли сўзлар МАЪНОСИ

ОЛА ЭККАН ОЗ ОЛУР, РОСА ЭККАН СОЗ ОЛУР

Буни қувватловчи «Анаси кўп бўлса, бачаси кўп бўлади» (ачаси — онаси; бачаси — боласи). Кўчма маънода: ачаси деганда экиннинг тули, кўчати; бачаси деганда ҳосили, меваси назарда тутилган). «Ҳосил кўчатдан олинади», деган мақоллар ҳам бор. Бобо дехқонлар бу каби мақоллар билан ҳар бир экинни ола, яккам-дуккам қилиб эмас, тўла экиш, тўлиқ кўчат олишга эришиш зарурлигини уқтирганлар.

ОЛАМ ТИНЧ — ХОНАМ ТИНЧ

Бу мақолда уруш қораланиб, тинчлик улуғланади. «Юрт тинч — сен тинч», «Тинчлигинг — журлигинг», «Тинчлигинг — тўқлигинг», «Осойишталик — энг яхши малҳам», «Тинч элнинг боғи гул-

лар», «Тинчлик бўлса — олам гулистон», «Ҳаёт — блок, тинчлик — унга кўз», «Тинчлик — роҳатчилик, уруш — ҳақатчилик», «Тинчлик роҳат келтирар. Уруш ҳақат келтирар», «Тинчлик — баҳордай мавзун, уруш — куз ғоридай маҳзун» (мавзун — келишилган, хушбичим, хушқомат; маҳзун — ҳазин, мунгли, ғамгин), «Уруш айиради, тинчлик топиштиради», «Олов тундирар тушган ерини, душман куйдирар тугган ерини», «Тинчлик бўлса эл кўпарар, уруш бўлса сел кўпарар», «Емғир билан ер кўқарар, тинчлик билан эл кўқарар», «Она-юртинг омон бўлса, ранги-рўйинг сомон бўлмас» (сомон бўлмас — сомондек сарғаймас; яъни касал бўлмайсан, омон-эсон бўласан, демокчи), «Эл қуримаса, ер қуримас», «Оқ кунда оқарсан, қора кунда қораярсан», «Яхши кунлар оқартар, ёмон кунлар қаритар», «Одам бўлиб юрганнинг — омонликда, тунинг ташлаб қочарсан — ёмонликда», «Урушинг оти ўчсин!», «Тинчлик урушини енгади!»

Ажойиб одамлар ЁҚУБ МУАЛЛИМНИНГ ҲАЗИНАСИ

ЁКИ 50 ЙИЛ ДАВОМИДА ЙИГИЛДАН ОЛТИН, КУМУШ, БРОНЗА ТАНГАЛАР ВА БОШҚА ОСОРИ-АТИҚАЛАР ҲАҚИДА

Сурхондарё вилоятининг Денов туманида Ёқуб Муродов деган ажойиб хислатларга эга нузимзат инсон яшайди. Касби ўқитувчилик. 40 йилдирки, ўқувчиларга тарих фанидан сабоқ бериб келади. Қай мавзуда суҳбатлашсанг, завокли ва мароқли гурунларига тўймайсиз. Сочларига оқ оралган домлани қадим тарих билан тиллашган инсон десангиз ҳам муболага қилмаган бўласиз.

Унинг бисотида эллик йиллар давомиде меҳр кўйиб, кўз қорачиқидек асраб келаётган бебахо бойлик бор: турли тангалар, пуллар... 40 мингдан ортик, Бақтрия, Қушон, Сомониёлар, Салжуқийлар, Аштархонийлар даври... Америка, Япония, Греция, Олмония ва бошқа кўп-кўп давлатларнинг пуллари.

Юздан ортик давлатнинг мис ва кумуш тангалари узоқ тарихдан ҳуюқа қилади. Турли даврларда зарб этилган ўндан ортик тилло тангалар у тўлган хазиналар гултожи. Александр Македонский зарб эттирган тангаларда не-не сирли синаот, биз билган ва билмаган тарих... Улар узоқ мезонийдан бизгача етиб келган тилсиз, айна чоғда бебахо нодир жавоҳир.

Бир чақандан тортиб ўн минг тангагача бўлган пулларга қўзғингиз тушганда қадимги Сўғд, оламга кўркүк солган Чингизхон даври, Қушон ва Сомониёлар империяси, «Чағонийён» ўлкаларини эслайсиз ва уларга қараб ўша замон нафасини бир зум хис қилгандек бўласиз... Хуллас, домланинг «ҳазинаси» — унинг муъжазгина музейи таъбир жоиз бўлса, жайрат қасрининг қия очик дарвозасига ўхшади. Дунё дунё экан-да: кимдир қисқагина умри давомиде муҳташам қасрлар бунёд этади, кимдир бутун ҳаётини бойликка, мол-дунё йиғишга сарфлайди... Ёқуб домла эса музей ташкил қилиб, бутун топилганларини келажак авлодга қолдирганга жазм этган.

Хурматли ишбилармон тadbirkorлар! «KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» VA «RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRLASINING TOSHKENT SHAHAR BO'LIMI» MASBULIYATI CEKLANGAN JAMIYATI

«ШАҲРИСАБЗ ВИНО-АРОҚ»

Ҳиссадорлик жамиятининг 2003 йил якунлари бўйича 2004 йил 10 апрель соат 11.00 да акциядорларнинг навбатдаги йиғилиши мажлислар залида ўтказилди.

«ОҚТОШДОН» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ХАБАРИ

19 мартда «Оқтошдон» акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишида 107725 та овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган оддий акция эгаларидан 97177 дон акция қатнашди.

Table with 4 columns: №, Кўрсаткичлар номи, Актив, Пассив. It shows financial data for the company.

Advertisement for Safar OSTONOV, containing contact information for various services like Bosh Muharrir, Ta'hir Hay'ati, Muassis, and others.